

**“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларининг Тошлок тумани бўйича
сарфланиши юзасидан
АХБОРОТ**

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти Тошлок тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази 2025-йилларнинг ўтган даври мобайнида “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларининг тўғри ва мақсадли сарфланиши юзасидан ўрганиш ўтказилди. Жамғарма маблағларининг тўғри сарфланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 й. кунги 313-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Қарор ижроси юзасидан ўрганиш давомида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

1. Тошлок туманида йил бошидан 26 август 2025 йил кунигача жамғарма учун жами **129.925 млн. сўм** миқдорида маблағ харажат қилинган.

2. Тошлок туманида 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходимлар томонидан жами **146 нафар** аризалар фуқаролардан қабул қилинган бўлиб, ушбу ариза билан мурожаат қилган оилаларнинг **43** нафари “маҳалла еттилиги” томонидан муҳтож деб топилган ва аризада кўрсатилган мақсадлар учун белгиланган миқдордаги моддий ёрдамлар ажратилиши учун “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори чиқарилган.

Жумладан:

а) оғир ва узоқ вақт даволаниш талаб этиладиган касалликка чалинган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастури доирасида:

- **23 нафар-31.4 млн сўм** дори-дармон билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун,

- **7 нафар-35.1 млн сўм** даволаниш харажатларини қоплаш учун.

б) биринчи даражали эҳтиёжларни қоплашга кўмаклашиш дастури доирасида:

- **7 нафар-9.95 млн сўм** кийим-кечак билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун.

в) уй-жой шароитига эга бўлмаган оилаларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида:

- **4 нафар-52.0 млн сўм** уй-жойини таъмирлаш харажатларни қоплаш учун.

г) иситиш таъминотидан узилган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастури доирасида:

- **2 нафар-1.45 млн сўм** кўмир билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун.